

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД АГРОИННОВАЦИЯЛАР ВА ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**ДИЯРОВ ҒОЛИБЖОН ҚУЧҚОРОВИЧ**

**ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ҲАМДА МИНЕРАЛ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ  
КУНЖУТ(*Sesamum L.*)НИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА УРУҒ  
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ  
(Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида)**

**06.01.08 – Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2024**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation's abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Дияров Голибжон Кучқорович**

Экиш муддатлари ҳамда минерал ўғит меъёрларининг кунжут (*Sesamum L.*)нинг ўсиши, ривожланиши ва уруғ ҳосилдорлигига таъсири (Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида)

**3**

**Дияров Голибжон Кучкарович**

Влияние сроков посева и норм минеральных удобрений на рост, развитие и урожайность семян кунжута (*Sesamum L.*) (в условиях типичных сероземов Самаркандской области.)

**21**

**Diyarov Golibzhon Kuchkarovich**

Influence of sowing time and mineral fertilizer rates on the growth, development and productivity of sesame seeds (*Sesamum L.*) (in the seriozems of the Samarkand region)

**39**

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

**44**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД АГРОИННОВАЦИЯЛАР ВА ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**ДИЯРОВ ҒОЛИБЖОН ҚУЧҚОРОВИЧ**

**ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ҲАМДА МИНЕРАЛ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ  
КУНЖУТ (SESAMUM L.) НИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА УРУҒ  
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

**(Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида)**

**06.01.08 – Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2024**

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Qx1206 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.ddeiti.uz](http://www.ddeiti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ризаев Шўхрат Худойбердиевич,  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент.

Расмий оппонентлар:

Ёрматова Дилором Ёрматовна,  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Мўминов Абдували Акбаралиевич,  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.

Етакчи таъкилот:

Ўсимликлар генетик ресурслари  
илмий-тадқиқот институти.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти хузуридаги PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «11» 10 соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170600 Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05; факс: (+99874) 373-12-05; e-mail: [ddeiti19@mail.ru](mailto:ddeiti19@mail.ru); Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (№ 28 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05;

Диссертация автореферати 2024 йил «26» 09 кун тарқатилди.

(2024 йил «3» 08 даги 614 рақамли реестр баённомаси).



Р.И.Сиддиқов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

И.И.Абдуллаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, к.х.ф.д., доцент.

С.О.Абдурахмонов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда “дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатида йилига қарийб 13,0 млн. гектар майдонда кунжут парвариш қилиниб, 6,7 млн. тонна ялпи уруғ ҳосили етиштириб келинмоқда”<sup>1</sup>. Дунёда аҳоли сонининг ўсиб бориши кунжут мойига бўлган эҳтиёжнинг ҳам ўсиб боришига олиб келмоқда. Helgi Library халқаро статистика сайтининг очик оммавий ахбороти маълумотларига қараганда “дунёда кунжут етиштириш ҳажми 1961 йилга нисбатан 2,59 фоизга ўсиб борган”<sup>2</sup>. Аммо, бугунги кунда дунё аҳоли сони йилига 87 млн нафарга ўсиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, кунжут етиштирувчи майдонларнинг кенгайиб боришини қониқарли деб бўлмайди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги олимлари олдида кунжутнинг тезпишар, ҳосилдор, касаллик ва зараркунандаларга, табиатнинг экстремал шароитларига чидамли навларини яратиш ва улардан юқори уруғ ҳосили етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалалардан бири ҳисобланади

Дунёда кунжут етиштириш бўйича етакчилик қилиб келаётган Судан, Ҳиндистон, Майами, Танзания, Нигерия, Хитой каби давлатларда селекционерлар томонидан яратилган ҳар бир навларни минтақалар кесимида мақбул уруғ экиш муддатлари, кўчат қалинликлари, минерал ўғитлар билан озиклантириш муддатлари ва меъёрлари ҳамда суғориш тартибларига бўлган талаби чуқур ўрганиб чиқилиши ортидан бугунги кунда дунёда етиштириб келинаётган ялпи уруғ ҳосилини 64,8 фоизини ишлаб чиқаради”<sup>3</sup>. Дунё аҳолисини сифатли кунжут мойига бўлган эҳтиёжини йил давомида бир меъёрда қондириб боришда бугунги кунда дунёда юз бераётган глобал иқлим ўзгариши шароитида янги авлод навларни яратиш ва уларда юқори ҳосил етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга моликдир.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида сўнгги йилларда озик-овқат хавфсизлигига катта эътибор берилаётгани негизида мойли экинлар майдонларини кенгайтириш, четдан ёғ-мой маҳсулотлари импортини босқичма-босқич камайтириб бориш бўйича Ҳукуматимиз томонидан туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли фармонида “қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш тартибини қайта кўриб чиқиш ва етиштиришда ресурстежамкор технологияларни қўллаш” бўйича берилган кўрсатмаларига асосан бугунги кунда кунжут республикамизда 43,1 минг гектар майдонга экилиб, умумий ҳисобда 54,4 минг тонна, гектаридан эса ўртача 12,2 центнердан уруғ ҳосили етиштириб келинмоқда. Бу борада Самарқанд вилояти шароитида кунжут навларидан юқори ва сифатли уруғ ҳосили етиштиришга

<sup>1</sup> <https://www.helgilibrary.com/charts/which-country-produces-the-most-sesame-seeds/>

<sup>2</sup> <https://www.helgilibrary.com/charts/which-country-produces-the-most-sesame-seeds/>

<sup>3</sup> <https://www.google.com/search>

қаратилган агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли фармони ҳамда 2022 йил 7-июндаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-273 сонли, 2023 йил 1 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-107 сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур илмий тадқиқот ишлари республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси фанлари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги пайтда дунё деҳқончилигида турли тупроқ шароитларида кунжутни селекцияси ва етиштириш агротехнологияси бўйича хорижда В.Cascio, P.Chakraborty, F.Chaudhari, S.Delikostadinov, M.Kamel, R.Langham, G.Mc.Bee, J.Mulkey, A.Omran, H.Osman, B.Raj, P.Rao, B.Taylor, L.Тилар, республикамизнинг суғориладиган ва лалмикор тупроқ-иқлим шароитларида кунжутни жаҳон коллекциясини ўрганиш, селекция учун истиқболли манбалар ажратиш, селекция ва уруғчилиги бўйича М.Э.Аманова, А.С.Рустамов, Б.Омонтурдиевлар, кунжут ўсимлигининг биологик хусусиятлари ва ташқи муҳит омилларининг таъсири бўйича Х.Атабаева, Д.Ёрматова, У.Айтжанов, Б.Айтжановлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо, Самарқанд вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кунжутнинг “Қора шахзода” навидан юқори ва сифатли уруғ ҳосили етиштиришда мақбул экиш муддатлари ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти, Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2021 йил, 15-январдаги №4 сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган “Суғориладиган ва лалми тупроқлар шароитида илмий жиҳатдан асосланган экологик тоза маҳсулот етиштиришни таъминловчи ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган (2021-2023 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади.** Самарқанд вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кунжутнинг ўсиши, ривожланиши ва уруғ ҳосилдорлиги ҳамда сифат кўрсаткичларига экиш муддатлари ва ўсув даврида минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларининг таъсирини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқаришга тавсиялар беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

уруғ экиш муддатлари ҳамда минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

уруғ экиш муддатлари ҳамда минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини уруғларнинг униб чиқиш динамикаси ва кўчат қалинлигига таъсирини аниқлаш;

уруғ экиш муддатлари ҳамда минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини ривожланиш даврларининг давомийлигига таъсирини аниқлаш;

уруғ экиш муддатлари ҳамда минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини поя баландлигига, барглар сонига ва барг сатҳининг шаклланишига таъсирини аниқлаш;

уруғ экиш муддатлари ҳамда минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини бир ўсимликда қўзоқчалар сонига, қўзоқчадаги уруғлар сони ва вазгига, 1000 дона уруғ вазнига ҳамда уруғ ҳосилдорлигига ва уруғларнинг сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

кунжутни турли муддатларда экиб етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Самарқанд вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари ва кунжутнинг Давлат реестрига киритилган «Қора шахзода» нави ҳамда экиш муддатлари ва минерал ўғитлаш меъёрлари олинган.

**Тадқиқот предмети** кунжут навлари уруғларини экиш муддатлари ва ўсув даврида минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини уруғларнинг дала унувчанлиги ва кўчат қалинлигига, ўсиш ва ривожланиш даврининг давомийлигига, поя баландлиги ва шохланиш даражасига, барг сатҳининг шаклланиши ва биологик қуруқ масса тўплашига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, ҳосил структурасининг шаклланиши, уруғ ҳосилдорлигига ва сифат кўрсаткичларига, иқтисодий самарадорлигига бўлган таъсири ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Дала ва лаборатория тажрибалари, ўсимликларда биометрик ўлчовлар, фенологик кузатувлар ҳамда турли таҳлиллар «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур (1985)», «Методы агрохимических анализов почв и растений (1970)», «Методы агрофизических исследований (1973)», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари (2007)», «Методика исследований масличных культур (1970)», «Мойли экинлар жаҳон коллекциясини ўрганиш бўйича услубий қўлланма (2010)» каби услубий қўлланмалар асосида амалга оширилган. Тажрибалардан олинган натижаларни статистик таҳлили Б.А. Доспехов (1985) услуби бўйича Microsoft Excel дастури ёрдамида бажарилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Илк бор Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кунжутнинг “Қора шахзода” навидан юқори ва сифатли уруғ ҳосили етиштириш агротехнологияси такомиллаштирилган;

кунжут уруғларини мақбул экиш муддати 5-10 май этиб, минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёри эса  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га этиб белгилаш юқори самара бериши илмий ва амалий жиҳатдан асосланган;

кунжут уруғларини 5-10 май муддатида экиш уруғларнинг дала унувчанлигига ижобий таъсир этиб, униб чиқиш даражаси 13 кунда 96,1-97,1 фоизни ташкил этиши исботланган;

кунжут уруғларини 5-10 май муддатида экиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари билан озиклантириш, уруғларни 15-20 апрел ҳамда 15-20 май муддатларида экиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари билан озиклантиришга нисбатан ишлаб чиқариш харажатлари 15-20 фоизгача камайиб, уруғ ҳосилдорлиги 10-12 фоизгача ортиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кунжут уруғларини 5-10 май муддатида экиш тупроқ ҳарорати (15-16 °С) мақбул бўлиши ҳисобига униб чиқиш даражаси 96,1-97,1 фоизни ташкил этиб, 25-30 апрел муддатида экилганга нисбатан амал даври охирида кўчат қалинлиги гектарига 15,5-18,8 минг донагача юқори бўлиши аниқланган;

кунжут уруғлари 5-10 май муддатида экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари билан озиклантириш ҳосил элементларининг шаклланишига ижобий таъсир этиб, бир туп ўсимликда кўзоқчалар сонини 77,1 донагача, уруғлар сонини 3289,5 донагача, уруғ вазнини 8,05 г. гача, 1000 дона уруғ оғирлигини 2,5 г. гача юқори бўлишини таъминлаши кузатилган;

кунжут уруғларини 15-20 май муддатида экиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га меъёрлари билан озиклантириш, уруғларни 25-30 апрел ҳамда 5-10 май муддатларида экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан ўсимлик бўйи 91,1-112,4 см гача, барглар сони 65,3-85,4 донагача, барг сатҳи 4901,4-5398,9 м<sup>2</sup>/га гача, кўзоқчалар сони 59,7-61,7 дона/туп гача, уруғлар сони 2686,6-2776,5 дона/туп гача, уруғлар вазни 5,41-6,66 г/туп гача, 1000 дона уруғ оғирлиги 2,2-2,5 г. гача пасайиб бориши қайд этилган;

кунжут уруғларини 25-30 апрел муддатида экиш, уруғларни 5-10 май ҳамда 15-20 май муддатларида экишга нисбатан, бир туп ўсимликда барг сатҳи ўсув даврида минерал ўғитларнинг  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилганда 980-1700 см<sup>2</sup> гача, минерал ўғитларнинг  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилганда 315-330 см<sup>2</sup> гача, минерал ўғитларнинг  $N_{90}P_{60}K_{45}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилганда 630-1300 см<sup>2</sup> гача юқори бўлиши кузатилган;

кунжут ўсимлигидан юқори ҳосил (13,9 ц/га) ва иқтисодий самарадорлик (120,5%) уруғлар 5-10 май муддатида экилиб, ўсув даврида минерал

ўғитларнинг  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантда кузатилган бўлса, уруғ таркибида юқори мой миқдори (58,2%) уруғлар 15-20 май муддатида экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг  $N_{90}P_{60}K_{45}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларда кузатилгани қайд этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** лаборатория ва дала тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга математик-статистик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилганлиги ва изланиш натижалари амалиётда кенг қўлланилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти, Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кунжутнинг “Қора шахзода” нави уруғлари 5-10 май муддатида экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилганида, уруғларнинг дала унувчанлиги ва кўчат қалинлигига, ўсув даврининг давомийлигига, ўсиб ривожланишига, барг сатҳининг шаклланиши, биологик куруқ масса тўплаши ва фотосинтез соф маҳсулдорлигига, ҳосил элементларининг шаклланиши ва уруғ ҳосилдорлигига ва сифат кўрсаткичларига таъсири илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, кунжутнинг “Қора шахзода” нави уруғлари 5-10 май муддатида экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари билан озиклантириш ҳисобига уруғлар 25-30 апрел муддатида экилганга нисбатан униб чиққан кўчатларнинг яшовчанлиги 7,74-9,04 фоизга, уруғ ҳосили 10-12 фоизга юқори бўлгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кунжутнинг “Қора шахзода” навидан юқори ва сифатли уруғ ҳосили етиштиришда уруғларни мақбул экиш муддатлари ва ўсув даврида минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот илмий натижалари асосида:

Кластер, фермер ва деҳқон хўжаликлари учун “Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кунжут етиштириш” номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 25.01.2024 йилдаги №06/22-21-08/55-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиянома бугунги кунда кластер, деҳқон ва фермер хўжаликларида кунжутдан юқори ва сифатли уруғ ҳосили етиштиришда муҳим кўрсатма сифатида хизмат қилмоқда;

Кунжутнинг “Қора шахзода” нави уруғларини 5-10 май муддатида экиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрларини қўллаш технологияси Пастдарғом тумани “Сафар” фермер хўжалигида 2,3 гектар, “Дамир пахта даласи” фермер хўжалигида 6,5 гектар, “Тонг” фермер хўжалигида 5,2 гектар, “Бахтиёр Шомуродович ТШБ” фермер хўжалигида 6,0

гектар, “Омонкулов Шерзод пахта даласи” фермер хўжалигида 3,0 гектар, Иштихон тумани “Умиров Нияздулло” фермер хўжалигида 2,0 гектар, “Омонбой Фармонов” фермер хўжалигида 3,2 гектар, Пайариқ тумани “Машхур чапорошли даласи” фермер хўжалигида 14,3 гектар, “Қорақолпоқ нурли даласи” фермер хўжалигида 8,7 гектар, “Неъматов Камронбек даласи” фермер хўжалигида 4,3 гектар, жами 55,5 гектар майдонга жорий қилинган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 25.01.2024 йилдаги №06/22-21-08/55-сонли маълумотномаси). Натижада кунжут уруғларини 25-30 апрел ҳамда 15-20 май муддатларида экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг N<sub>150</sub>P<sub>105</sub>K<sub>75</sub> кг/га меъёрлари билан озиклантирилган майдонларга нисбатан юқори самарадорликка эришилган;

Кунжутнинг “Қора шахзода” нави уруғларини 5-10 май муддатида экиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг N<sub>120</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> кг/га меъёрларини қўллаш технологияси Пастдарғом, Иштихон, Пайариқ туманларида жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 25.01.2024 йилдаги №06/22-21-08/55-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу технологияни қўллаш орқали гектаридан 13,7-14,4 центнер уруғ ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси 108,7-114,3 фоизга кўтаришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази ҳамда Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти (собиқ ТошДАУ Самарқанд филиали)нинг махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган, ишнинг асосий илмий натижалари бўйича 2 та Республика ва 3 та халқаро илмий анжуманларида маърузалар қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналлар ва илмий-амалий анжуманларда жами 9 та илмий иш жумладан, республикада 2 та ва 1 та чет эл журналларида, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида ва 1 та тавсиянома нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши,

апробацияси, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кунжут экинидан юқори ва сифатли уруғ ҳосили етиштиришда уруғ экиш муддатлари ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини ўрганиш бўйича олиб борилган маҳаллий ҳамда хорижий тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида, кунжут экинининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, ўсиши ва ривожланишига таъсир этувчи биотик ва абиотик омилларнинг таъсири, биологияси ва морфологияси, уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини ҳамда минерал ўғитларни қўллаш меъёрларини ўсиши ва ривожланишига ва дон ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари чоп этилган хорижий ва маҳаллий илмий манбалар, интернет маълумотлари келтириб ўтилган. Натижаларнинг назарий ва амалий натижалари таҳлил қилиниб, диссертация ишининг илмий мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот олиб борилган жойнинг географик жойлашув ўрни, тупроқ ва иқлим шароити, тажриба ўтказиш усули ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган минтақанинг географик жойлашув ўрни ва тупроқ хусусиятлари, худуднинг иқлим шароитлари, тажриба ўтказиш усули ва услублари, тажриба олиб борилган майдонда қўлланилган агротехник тадбирлар ва тажрибада ўрганилган навлар таснифи тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Дала тажрибаларини бошлашдан олдин ҳар йили танлаб олинган даланинг шудгор ва шудгор ости қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, дастлабки агрокимёвий хусусиятлари аниқлаб борилди.

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, (2021-2022-2023 йй.) амал даври бошида йиллар бўйича тупроқнинг 0-30 см қатламида гумус миқдори 0,965-0,947-0,987 фоизни, умумий шаклдаги азот 0,095-0,088-0,099 фоизни, фосфор 0,174-0,164-0,182 фоизни, калий 1,547-1,472-1,604 фоизни, 30-50 см қатламида эса гумус миқдори 0,886-0,804-0,891 фоизни, умумий шаклдаги азот 0,078-0,063-0,084 фоизни, фосфор 0,149-0,138-0,155 фоизни, калий 1,142-1,131-1,151 фоизни ташкил этганлиги аниқланган бўлса, ҳаракатчан шакллари аниқланганида, тупроқнинг 0-30 см қатламида нитрат билан 12,1-11,3-13,2 мг/кг, ҳаракатчан фосфор билан 27,1-26,5-29,7 мг/кг, алмашинувчи калий билан 240-220-260 мг/кг миқдорида, тупроқнинг 30-50 см қатлами эса нитрат билан 7,4-6,7-8,1 мг/кг, ҳаракатчан фосфор билан 19,3-18,1-20,2 мг/кг, алмашинувчи калий билан 190-170-210 мг/кг миқдорида таъминланганлиги аниқланган.

1-жадвал

### Тажриба майдонининг дастлабки агрокимёвий хусусиятлари

Йиллар	Тупроқ қатламлари, см	Гумус миқдори, %	Азот, фосфор ва калийнинг умумий миқдорлари, %			Ҳаракатчан миқдорлари, мг/кг		
			N	P	K	N-NO <sub>3</sub>	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
2021	0-30	0,965	0,095	0,174	1,547	12,1	27,1	240
	30-50	0,886	0,078	0,149	1,142	7,4	19,3	190
2022	0-30	0,947	0,088	0,164	1,472	11,3	26,5	220
	30-50	0,804	0,063	0,138	1,131	6,7	18,1	170

2023	0-30	0,987	0,099	0,182	1,604	13,2	29,7	260
	30-50	0,891	0,084	0,155	1,151	8,1	20,2	210

Тажриба жойлаштирилиб, тадқиқотлар ўтказилган далалар тупроқларининг дастлабки агрохимёвий таҳлилларига асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, ушбу далалар тупроқлари озика элементлари билан ўрта даражада таъминланган дейиш мумкин.

Илмий-тадқиқот ишлари 2021–2023 йилларда Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани “Замин ДЕК” фермер хўжалигининг суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида олиб борилиб, бунда кунжутнинг “Қора шахзода” навининг ўсиши, ривожланиши ва уруғ ҳосилдорлиги ҳамда сифат кўрсаткичларига уруғларини экиш муддатлари ва минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсири уч йил давомида ўрганилди.

Тажриба 12 та вариантдан иборат бўлиб, 3 такрорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида эгат кенглиги 60 см, узунлиги 50 м. Ҳар бир булакчалар майдони 240 м<sup>2</sup>, ҳисобга олинандиган майдон 120 м<sup>2</sup>. Тажрибаларнинг умумий майдони 0,86 га. Тажриба 3 йил давомида 1:1 (ғўза:мойли экин) қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида олиб борилди. Тажрибада кунжутнинг Давлат ресстрига киритилган “Қора шахзода” нави экилди.

Тажрибада кунжутнинг “Қора шахзода” нави уруғларини уч хил экиш (25-30 апрел, 5-10 май, 15-20 май) муддатларида экилиб, маъданли ўғитларнинг тўрт хил (Ўғитсиз, N<sub>150</sub>P<sub>105</sub>K<sub>75</sub> кг/га, N<sub>120</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> кг/га, N<sub>90</sub>P<sub>60</sub>K<sub>45</sub> кг/га) меъёрлари билан озиклантирилиб ўрганилди.

Илмий тадқиқот ишларини ўтказишда дала ва лаборатория тажрибалари «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» (1989 й), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007 й) қўлланмалари асосида, олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили эса Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубиёти бўйича амалга оширилган.

**Диссертациянинг “Тупроқнинг агрохимёвий ва агрофизик хоссаларига уруғ экиш муддатлари ва минерал ўғитлар меъёрларининг таъсири”** деб номланган учинчи бобида уруғ экиш муддатлари ва минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини тупроқнинг агрохимёвий ва агрофизикавий хусусиятларига таъсири баён этилган.

Олинган натижаларнинг кўрсатишича, кунжутни турли экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрларида амал даври охирида тажрибанинг барча вариантларида гумус ва умумий азот миқдорларини камайганлиги кузатилган. Гумус ва умумий азот миқдорларининг энг кўп миқдорда камайиши тажрибанинг ўғитсиз назорат 1-5-9-вариантларида кузатилиб, гумус миқдори дастлабкисига нисбатан тегишлича 0,015-0,013-0,012 фоизга камайган бўлса, умумий азот миқдори эса 0,014-0,010-0,008 фоизга камайганлиги аниқланган. Кунжут эрта муддатда (25-30.04) экилиб, N<sub>150</sub>P<sub>105</sub>K<sub>75</sub> кг/га меъёрида қўлланилган 2-вариантда гумус дастлабкига нисбатан 0,011 фоизга, умумий азот 0,004 фоизга камайган бўлса, экиш ўрта муддатда (05-10.05) ўтказилиб, шу ўғит меъёрида (6-вариант)

ушбу кўрсаткичлар тегишлича 0,009 ва 0,003 фоизни, кеч муддатда (15-20.05) экилганда эса (10-вариант) 0,008 ва 0,003 фоизни ташкил этганлиги қайд этилган.

Минерал ўғитларнинг  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари қўлланилган 3-вариант тупроқлари таҳлил қилинганда эса ушбу кўрсаткичлар тегишлича 0,012 ва 0,015%, ўрта муддатда 0,010 ва 0,015%, кеч муддатда экилганда 0,006 ва 0,015 фоизга камайганлиги кузатилган бўлса, тажрибада  $N_{90}P_{60}K_{45}$  кг/га меъёрлари қўлланилган 4-8-12 вариантларда ҳам ушбу қонуниятлар кузатилганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг дастлабки (2021 й) йилида, тупроқнинг ҳайдов қатламида амал даври бошида ҳажм масса ўртача  $1,351 \text{ г/см}^3$  ни, ҳайдов ости қатламида эса қатламида  $1,413 \text{ г/см}^3$  ни ташкил этган. Кунжут парваришида минерал ўғитлар меъёрларини камайиб бориши ҳамда кунжут эрта муддатларда экилган вариантларда тупроқ ҳажм массасини ўрта ва кечки муддатларда экилган вариантларга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланган.

Масалан, тажрибанинг эрта экиш муддати (25-30.04) да, минерал ўғитлар  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га меъёрлари қўлланилган 2-вариантда амал даври охирида ҳажм масса  $1,387 \text{ г/см}^3$  ни, шу экиш муддатида  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари қўлланилган 3-вариантда  $1,394 \text{ г/см}^3$ , минерал ўғитларнинг  $N_{90}P_{60}K_{45}$  кг/га меъёрлари қўлланилган 4-вариантда эса  $1,399 \text{ г/см}^3$  ни ташкил этиб, яъни минерал ўғит меъёрларини камайиб бориши билан тупроқ ҳажм массасини ўртача  $0,005 \text{ г/см}^3$  дан  $0,012 \text{ г/см}^3$  га кўпайиб борганлиги аниқланган. Ушбу қонуният тажрибанинг ўрта (05-10.05) ва кечки (15-20.05) муддатларда экилган вариантларда ҳам аниқланган.


Диссертациянинг **“Уруғ экиш муддатлари ва минерал ўғит билан озиклантириш меъёрларини кунжутнинг ўсиши, ривожланиши ва уруғ ҳосилдорлиги таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида уруғ экиш муддатлари ва минерал ўғит билан озиклантириш меъёрларини уруғларнинг дала унувчанлиги ва кўчат қалинлигига, ўсув даврининг давомийлигига, поя баландлиги ва барглар сонига, барг сатҳининг шаклланиши, биологик курук масса тўплаши ва фотосинтез соф маҳсулдорлигига, кўзоқчалар сони, кўзоқчадаги уруғ сони ва 1000 дона уруғ вазнига, уруғ ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсири таҳлил қилинган.

Кунжут совуққа жуда чидамсиз, иссиқсевар ўсимлик бўлиб, уруғи экилгандан сўнг ҳаво ҳарорати  $15 \text{ }^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлганда униб чиқиш бошланиб,  $18-20 \text{ }^{\circ}\text{C}$  бўлганда серавж униб чиқа бошлайди. Кунжутни меъёрий ўсиб ривожланиши учун энг қулай ҳаво ҳарорати  $23-25^{\circ}\text{C}$  ҳисобланади.

Тажриба ўтказилган йиллар мобайнида кунжутни униб чиқиш жараёни турлича кечганлиги кузатилган. Кунжут уруғини экилган кундан бошлаб, ҳар 3 кунда уруғларни униб чиқиш динамикаси ўрганилган. Тажрибанинг дастлабки йилида (2021 й), кунжут биринчи экиш муддатида (25-30.04) экилган уруғлар ҳаво ва тупроқнинг ҳарорати паст бўлганлиги туфайли, экилгандан кейин 7-куни дастлабки майсалар кўрина бошлаб, униб чиқиш даражаси 16-куни 95,4-96,5 фоизни ташкил этиб, биринчи экиш муддатида 16 кунда тўлиқ униб чиққанлиги кузатилган. Аммо, униб чиққан майсалар нозик ва нимжонроқ

бўлганлиги кузатилган. Экишнинг иккинчи муддати (05-10.05) да ҳаво ва тупроқда ҳарорат кунжут учун меъёрий бўлганлиги учун дастлабки майсалар уруғлар экилганидан кейин 4-куни униб чиқа бошлаб, 13-куни эса 96,1-97,1% бўлиб, иккинчи экиш муддатида кунжут уруғлари 13-кунда тўлиқ униб чиққан бўлса, тажрибанинг учинчи муддатида ҳаво ва тупроқдаги ҳароратнинг юқори бўлганлиги экишнинг 10-кунида униб чиқиш даражаси 95,7-96,7 фоизни ташкил этиб, учинчи муддатда экиш биринчи экиш муддатига нисбатан 6 кунга, иккинчи муддатга нисбатан эса 3 кунга эрта униб чиққанлиги аниқланган. Кунжут уруғини униб чиқишига минерал ўғитлар меъёрларини таъсири кузатилмаган.

Кунжутда ягоналаш ишлари икки муддатда олиб борилиб, дастлабки уруғлар тўлиқ униб чиққандан сўнг, 2-3 чинбарг чиқарган вақтида, кейингиси биринчи ягона қилишдан 4-5 кундан кейин ўтказилган. Ягона қилиш ишлари асосан 60x7,2 схемада олиб борилиб, 1 метрда 14-15 донадан, 1 пм да 22,5-23,0 дона, йиллар бўйича об-ҳавонинг келишига ҳамда униб чиққан ниҳолларни холатига қараб ўртача гектарига 222,1 минг донадан 227,5 минг донагача кўчатлар қолдирилган. Фақат тажрибанинг иккинчи (2022 й) йилида май ойи салқин ва серёгин келганлиги туфайли униб чиққан ниҳоллар жуда нозик ва нимжон бўлиб, бу ўсимлик бутун вегетацияси давомида унинг ўсиши, ривожланиши ва кўчат қалинлигига таъсир қилган.



1-расм. Уруғ экиш муддатлари ва менерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини кўчат қалинлигига таъсири

Тажрибанинг биринчи (25-30.04) муддатида экилган кунжутни кўчат қалинлиги амал даври охирида бошқа экиш муддатларига нисбатан кам бўлган. Тажрибанинг иккинчи (2022 й) йилида, 25-30.04 экиш муддатидаги 1, 2, 3, ва 4-вариантларда кўчат қалинлиги тегишлича 190,7; 195,2; 192,3 ва 191,4 минг/дона.га ни ташкил этиб, бу амал даври бошидагига нисбатан тегишлича 15,86; 13,51; 14,94 ва 15,08% кўчат нобуд бўлганлиги аниқланган. Бунга сабаб, тунда ҳароратнинг нисбатан паст ва кундузи ҳароратнинг юқорилиги билан изохланади. Кунжутни иккинчи (05-10.05) экиш муддатида эса, амал даври охирида кўчат қалинлиги нисбатан бирмунча кўпроқ бўлиб, тажрибани 5, 6, 7 ва 8-вариантларида 208,6; 210,9; 211,1 ва 210,3 минг/дона.га, нобуд бўлган

кўчатлар тегишлича 7,81; 6,43; 6,88 ва 6,98 фоизни ташкил этган. Яъни, кунжут 05-10.05 муддатида экилганда, 25-30.04 муддатга нисбатан 7,08-8,10% кўчат сақланиб қолишига эришилган.

Кунжутни учинчи экиш (15-20.05) муддатида кўчат қалинлиги иккинчи муддатда экилган вариантлардаги кўчат сонига қарийб яқин бўлиб (9, 10, 11 ва 12-вариантлар), кўчат қалинлиги тегишлича 210,4; 213,6; 211,0 ва 210,4 минг/дона.га ни, нобуд бўлган ўсимликлар эса, 6,82; 5,77; 6,51 ва 6,61% ни ташкил этиб, биринчи экиш муддатида нисбатан 7,74-9,04%, иккинчи экиш муддатида нисбатан 0,37-0,99 фоизга кўп кўчат сақланиб қолганлиги кузатилган.

Энг кўп миқдорда кўчат йўқотилиши тажрибанинг ўғитсиз назорат вариантларида аниқланиб, эрта муддатда (25-30.04) 15,86%, ўрта муддатида (05-10.05) 7,81%, кечки муддатда (15-20.05) 6,82 фоизни ташкил этган.

Таъкидлаш керакки, кунжут парваришида минерал ўғит меъёрларини камайиб бориши ҳам унинг кўчат қалинлигига салбий таъсир кўрсатган. 25-30.04 муддатда экилиб,  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га қўлланилган 2-вариантда кўчат қалинлиги 195,2 минг/дона.га ни, нобуд бўлган кўчатлар 13,51% ни ташкил этган бўлса,  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га қўлланилган 3-вариантда кўчат қалинлиги 192,3 минг/дона.га ни, нобуд бўлган кўчатлар 14,94%,  $N_{90}P_{60}K_{45}$  кг/га қўлланилган 4-вариантда 191,4 минг/дона.га, нобуд бўлган кўчатлар 15,08% ни ташкил этган. Тажрибанинг иккинчи экиш (05-10.05) муддатида ҳам шу қонуниятлар кузатилиб, минерал ўғитларни энг кам меъёрида қўлланилган вариантларда ўрта ва юқори меъёрда ўғитлар қўлланилган вариантларга нисбатан 0,45-0,55% миқдорида, учинчи (15-20.05) муддатида эса 0,84% миқдорида кўп кўчат йўқотилгани аниқланган.

Кунжут уруғлари униб чиққанидан сўнг, ҳар ойнинг биринчи санасида фенологик кузатувлар олиб борилган. Тадқиқотнинг дастлабки, 2021 йилида амал даври охирида, эрта экилган вариантларда ўсимликни бўйининг баландлиги ва барглари сонини юқори бўлганлиги аниқланиб, бу 1, 2, 3, ва 4-вариантларда тегишлича ўсимлик бўйи баландлиги 110,4 см, барглари сони 94,7 донани; 138,7 см, 10,6 дона; 126,6 см, 98,7 дона ва 117,3 см, 91,2 донани ташкил этган бўлса, ўрта муддатда экилган 5, 6, 7, 8-вариантларда тегишлича 92,4 см, 71,4 дона; 118,4 см, 83,5 дона; 110,8 см, 77,8 дона ва 102,4 см, 71,2 донани, кечки экиш муддатида эса 79,8 см, 57,4 дона; 112,4 см, 85,4 дона; 103,4 см, 78,7 дона ва 89,7 см, 67,5 донани ташкил этган.

Демак, кунжут эрта муддатда экилганда ўсимлик бўйи баландлиги ва барглари сони ўрта муддатда экилган вариантларга нисбатан тегишлича 14,9-20,4 см, 17,9-22,7 донага, кеч муддатда экилганга нисбатан 25,3-30,1 см; 20,0-23,7 донага кўп бўлиши аниқланган. Минерал ўғитларнинг таъсири бўйича,  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га қўлланилганда ўғитсиз назоратга нисбатан бўйининг баландлиги 27,3 смга, барглари сони 6,9 донага,  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га вариантларга нисбатан тегишлича 12,1 см, 3,9 донага,  $N_{90}P_{60}K_{45}$  кг/га вариантларга нисбатан эса 21,4 см; 10,4 донага кўп бўлиши аниқланган.

Тажрибанинг 2022 ва 2023 йилларида олинган маълумотларда ҳам юқоридаги тартибдаги қонуниятлар аниқланган.

Кунжутнинг барг юза майдони бўйича олинган маълумотларга кўра, июн ойида барглар сони кам бўлганлиги туфайли вариантлар ўртасида деярли фарк кузатилмаган. Кунжутда серавж ривожланиш асосан июл ойида кузатилиб, вариантлар ўртасида барг юза майдони амал даври охирида 3221,4 см<sup>2</sup>дан 5885,7 см<sup>2</sup>ни ташкил этган. Тажрибада экиш (25-30.04) муддати эрта бўлган назорат 1-вариантида барг юза майдони 4976,7 см<sup>2</sup> ни, N<sub>150</sub>P<sub>105</sub>K<sub>75</sub> кг/га қўлланилган 2-вариантида 5885,7 см<sup>2</sup> ни, N<sub>120</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> кг/га қўлланилган 3-вариантида 5552,3 см<sup>2</sup> ни, N<sub>90</sub>P<sub>60</sub>K<sub>45</sub>кг/га қўлланилган 4-вариантида эса 5254,1 см<sup>2</sup> ни ташкил этган. Иккинчи экиш (05-10.05) муддатида 5, 6, 7 ва 8-вариантларда барг юза майдони тегишлича 4087,4; 5398,9; 5084,1 ва 4446,5 см<sup>2</sup> ни, учинчи экиш (15-20.05) муддатида эса тегишлича 3221,4; 4901,4; 4573,6 ва 3602,9 см<sup>2</sup> бўлганлиги аниқланган.

Ўсув даврида қўлланилган минерал ўғитлар меъёрлари кунжутда барг сатҳининг шаклланиши ҳамда қуруқ масса тўпланишига ўз таъсирини ўтказиб, минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан пишиш даврида экиш муддатларига боғлиқ ҳолда минерал ўғитларнинг N<sub>150</sub>P<sub>105</sub>K<sub>75</sub> кг/га меъёрлари қўлланилганида барг сатҳи 44,4-38,9-42,7 минг м<sup>2</sup>/га, қуруқ маса тўплаши 9,8-10,4-9,6 ц/га, N<sub>120</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> кг/га меъёрлари қўлланилганида барг сатҳи 35,1-25,3-32,0 минг м<sup>2</sup>/га, қуруқ масса тўплаши 6,7-6,8-6,4 ц/га, N<sub>90</sub>P<sub>60</sub>K<sub>45</sub> кг/га меъёрлари қўлланилганида барг сатҳи 24,2-17,8-20,7 минг м<sup>2</sup>/га, қуруқ масса тўплаши 4,5-4,2-3,5 ц/га гача юқори натижа олинган бўлса, экиш муддатлари ичида юқори натижалар уруғ 05-10.05 муддатида экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар 25-30.04 ва 15-20.05 муддатида экилган вариантларга нисбатан минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыда барг сатҳи 9,0 минг м<sup>2</sup>/га дан 23,5 минг м<sup>2</sup>/га гача, қуруқ масса тўплаши 0,4 ц/га дан 5,6 ц/га гача, минерал ўғитларнинг N<sub>150</sub>P<sub>105</sub>K<sub>75</sub> кг/га меъёрлари қўлланилганида барг сатҳи 5,2 минг м<sup>2</sup>/га дан 18,0 минг м<sup>2</sup>/га гача, қуруқ маса тўплаши 1,2 ц/га дан 6,2 ц/га гача, N<sub>120</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> кг/га меъёрлари қўлланилганида барг сатҳи 2,3 минг м<sup>2</sup>/га дан 13,7 минг м<sup>2</sup>/га гача, қуруқ масса тўплаши 0,7 ц/га дан 5,7 ц/га гача, N<sub>90</sub>P<sub>60</sub>K<sub>45</sub> кг/га меъёрлари қўлланилганида барг сатҳи 6,1 минг м<sup>2</sup>/га дан 17,1 минг м<sup>2</sup>/га гача, қуруқ масса тўплаши 1,1 ц/га дан 5,3 ц/га гача юқори натижа кўрсатгани қайд этилган.


Тадқиқотнинг дастлабки, 2021 йилида эрта муддатда (25-30.04) экилган 1, 2, 3 ва 4-вариантларида бир туп ўсимликдаги қўзоқчалар сони 50,4-69,5 донани, уруғ сони 2116,8-2947,5 донани, бир туп ўсимликдаги уруғ массаси 4,02-6,48 г.ни, 1000 дона уруғ масаси 1,9-2,3 г.ни, ўрта муддатда (05-10.05) экилган 5, 6, 7 ва 8-вариантларда тегишлича 50,9-77,1 дона, 2268,0-3289,5 дона, 4,76-8,05 г., 2,1-2,5 г.ни, кечки муддатда (15-20.05) экилган 9, 10, 11 ва 12-вариантларда эса 53,4-66,1 дона, 2403,7-2974,5 дона, 4,80-7,13 г., 2,0-2,6 г.ни ташкил этган бўлиб, экиш муддатлари бўйича кунжут ўрта муддатда экилганда қўзоқчалар сони, эрта экилган вариантларга нисбатан 6,8-7,6 донага, кечки экилган вариантларга нисбатан эса 2,0-11,0 донага, қўзоқчадаги уруғ сони тегишлича 310-342; 89,4-445,9 донага, бир туп ўсимликдаги уруғ массаси 0,80-1,57; 0,21-1,09 г.га, 1000 дона уруғ массаси эса кеч муддатда экилганда эрта муддатда экилганга

нисбатан 0,2-0,3 г.га, ўрта муддатда экилганга нисбатан эса 0,1-0,2 г.га юқори бўлганлиги аниқланган.

Экиш муддатларидан қатъий назар, минерал ўғитларни  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри ишлатилган вариантларда бир туп ўсимликдаги кўзоқчалар сони, ўғитсиз назорат вариантларига нисбатан ўртача 12,7-26,7 донага, уруғлар сони 570,8-1021,5 донага, бир туп ўсимликдаги уруғ массаси 2,33-3,59 г.га, 1000 дона уруғ массаси 0,4-0,6 г.га,  $N_{150}P_{105}K_{75}$  кг/га вариантларга нисбатан тегишлича 4,2,-5,4 дона, 31,1-198, дона, 0,07-0,47 г., 0,1 г. га,  $N_{90}P_{60}K_{45}$  кг/га вариантларга нисбатан эса 7,5-16,5 дона, 53,1-562,5 дона, 1,41-2,18 г ва 0,2-0,3 г.га юқори бўлганлиги аниқланган.

